

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ
№ 608
2020 йил «10» март

АТ «Алоқабанк»
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2020 йил 10 мартдаги
1 - сонли баённомасига
4 - илова

**«АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
НИЗОМ
(Янги таҳрирда)**

Тошкент – 2020 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Бошқаруви тўғрисида»ги Низом (бундан буён матнда «Низом» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низоми ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Банк» деб юритилади) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Банк» деб юритилади) Бошқарувининг фаолиятини тартибга солади, шу жумладан Банк Бошқарувининг асосий вазифаларини, унинг фаолияти ташкил этилишини, тайинланиш ва ишлаш тартибини белгилаб беради.

1.3. Мазкур Низом Банкнинг коллегиял ижро органининг (бундан буён матнда «Бошқарув» деб юритилади) мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

II. Бошқарувни тузиш тартиби

2.1. Бошқарувни ташкил этиш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Банк Кузатув кенгаши қарорига биноан амалга оширилади.

2.2. Банк Кузатув кенгашининг қарорига биноан Бошқарув аъзоларини тайинлаш танлов асосида амалга оширилади.

2.3. Бошқарув Раиси ва аъзолари Марказий банк билан келишилган ҳолда Банк Кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

2.4. Бошқарувни бошқариш Бошқарув Раиси томонидан олиб борилади.

2.5. Банк номидан Бошқарув Раиси билан Кузатув кенгаши Раиси, Бошқарув аъзолари билан Бошқарув Раиси меҳнат шартномасини имзолайди.

2.6. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Банк Устави, меҳнат шартномасида ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган.

2.7. Банкнинг Бошқарув аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномасида уларнинг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида Банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги кўрсатилади.

2.8. Бошқарув аъзоларига тўланадиган иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

2.9. Банк Кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

2.10. Банк Кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, улар томонидан Банк Устави қўпол тарзда бузилса ёки уларнинг ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги) тугайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.11. Бошқарув йиғилишларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил этади.

2.12. Бошқарув Раиси ўз ваколатлари доирасида ишончномасиз Банк номидан иш юритади.

2.13. Бошқарув фаолияти Бошқарув томонидан келишилган регламент бўйича олиб борилади.

III. Бошқарувнинг роли

3.1. Бошқарув Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ Банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда Банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

3.2. Бошқарув Банк Кузатув кенгашига ва Акциядорлари умумий йиғилишига ҳисобдордир.

3.3. Бошқарув аъзоларига номзодлар жиноий, маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсалар, ушбу тўғрисида Банк Кузатув кенгашига маълумот берилиши лозим.

3.4. Бошқарув Раиси мазкур Низомга мувофиқ Банк фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Банк Бошқаруви таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.5. Бошқарув Банк Устави билан белгиланган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча ваколатларга эга.

3.6. Бошқарув амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган, Банк фаолиятига тегишли бошқа фаолиятларни ҳам олиб боради.

3.7. Бошқарув Банк Кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун Банкни ривожлантириш стратегияси, Банкнинг ташкилий бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади.

3.8. Бошқарув Банк фаолияти учун муҳим саналган ҳар қандай масалани Банк Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиши мумкин.

3.9. Бошқарув унинг аъзоларидан камида учдан икки қисми иштирок этса Банк Бошқаруви қарор қабул қилишга ҳақлидир.

3.10. Бошқарув қарорлари Бошқарув йиғилишида иштирок этган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.11. Овоз тенг бўлган ҳолда Бошқарув Раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

IV. Бошқарув раиси

4.1. Бошқарув Раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда Банк Кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

4.2. Бошқарув Раиси:

а) ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини

таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

б) Банк фаолияти устидан назорат олиб боради, фойдали бўлган иқтисодий бошқариш методларини қўллайди, Банк ишчи жамоасининг хоҳиши ва ташаббусини юзага чиқариш учун шароит яратиб беради;

в) ўзига берилган ваколат доирасида, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк мулки ва маблағини тасарруф этади, Банк номидан шартномалар, мажбуриятлар ва ишончномаларга имзо чекади;

г) Ўзбекистон Республикасидаги тижорат ва давлат ташкилотларида ва бошқа давлатларда Банк фаолияти масалалари бўйича вакилликни олиб боради;

д) Банк номидан ишончномалар беради, шартномалар, мажбуриятлар ва битимларни имзолаш тартибини белгилайди;

е) Банкнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва унга ўзгартиришлар киритади;

ж) Штат жадвали ва тузилган шартномалар асосида банкнинг мансабдор шахсларини тайинлайди ва ишдан бўшатади, ходимлар иш ҳақини белгилайди, ҳамда намунали ишлаган ходимларни тақдирлайди, меҳнат вазифаларини бузганлик учун интизомий жазолар қўллайди, Банк ходимлари билан меҳнат шартномасини, амалдаги қонунчиликка ҳамда Банк Уставига мувофиқ тузади ва бекор қилади;

з) Бошқарув Раиси ўринбосарлари, тузилма раҳбарлари жавобгарлик меъёрини белгилайди;

и) Меҳнат қонунчилигига доир ваколатларни амалга оширади.

V. Бошқарувнинг вазифалари

5.1. Банкнинг ҳар кунги фаолиятини бошқариш Бошқарув томонидан амалга оширилиши лозим.

5.2. Бошқарув аъзолари Банк акциядорлари ва Кузатув кенгашининг ишончли вакиллари бўлиб, Банкнинг манфаатларини ва акциядорларнинг манфаатларини ўзларининг манфаатларидан юқори қўйишлари лозим.

VI. Бошқарувнинг иш тартиби

6.1. Бошқарувнинг йиғилиши зарурий ҳолларда, бироқ 1 (бир) ойда камида 1 (бир) марта ўтказилади.

6.2. Бошқарувнинг фикри ҳақида Банк Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг Умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

6.3. Бошқарувнинг йиғилишини Бошқарув Раиси ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича Бошқарув аъзоси бўлган унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

6.4. Бошқарув котиби Бошқарув йиғилишлари баёнларини юритилишини ташкил этади.

6.5. Бошқарув йиғилишлари баёнларидан кўчирмалар:

а) мажбурий тартибда Банк Кузатув кенгаши Раиси ва Тафтиш комиссияси раҳбарига;

б) бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига кўра фақат Бошқарув Раисининг рухсати бўйича;

в) амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга ҳам берилади.

VII. Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги

7.1. Агар Бошқарув аъзоси томонлардан бири ҳисобланган битимдан молиявий манфаатдор бўлган ҳолларда, аъзо қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

7.2. Бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

7.3. Бошқарув аъзолари Банк мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги керак.

7.4. Банк Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги натижасида Банкка етказилган зарарни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича Банк олдида жавоб берадилар.

7.5. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавоб бермайдилар.

VIII. Низомни тасдиқлаш ва ўзгартириш

8.1. Мазкур Низом Умумий йиғилиш томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради ва худди шундай тартибда ўзгартириш киритилади.

8.2. Ушбу Низом амалга кириши билан 2017 йил 5 сентябрдаги 2-сон Акциядорларининг Умумий йиғилишининг баённомаси билан тасдиқланган ва 2017 йил 5 сентябрда 421-сон билан рўйхатга олинган «АТ «Алоқабанк» Бошқаруви тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотади.

Бошқарув Раиси



К.Ирисбекова

**«АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
НИЗОМ (янги таҳрирда) бўйича**

КЕЛИШУВ ВАРАҚАСИ

№	Лавозими	Ф.И.Ш.	Имзо
1.	Бошқарув аъзолари:	Ж.Эгамбердиев	
2.		Х.Рахматов	
3.		Ш.Искандаров	
4.		Н.Насретдинова	
5.		Х.Буронов	
6.		А.Абдукахаров	
7.	Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармаси бошлиғи	О.Мукумов	
8.	Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	С.Файбуллоев	
9.	Ички аудит бошқармаси бошлиғи	Ш.Тураев	
10.	Ички назорат бошқармаси бошлиғи	У.Набиев	
11.	Методология бўлими бошлиғи	С.Максудова	

Киритди:

Корпоратив бошқарув ва қимматли
қоғозлар бошқармаси бошлиғи



И.Ибрахимов


ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик бошқарма томонидан “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Бошқаруви тўғрисида”ги Низом (янги таҳрирда) лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатига олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомнинг 3.1. бандига мувофиқ ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ушбу Низом лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низоми ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк Бошқарувининг фаолиятини тартибга солган ҳолда, банк Бошқарувини тузиш тартиби, раиси ва бошқарувнинг вазифалари, иш тартиби ҳамда бошқарув аъзоларининг жавобгарлигини белгилаб беради ва шу жиҳатдан банкнинг ички меъёрий ҳужжати ҳисобланади.

Мазкур Низом лойиҳаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатига олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда АТ “Алоқабанк” ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Юридик бошқарма
бошлиғи**



А.Абдукахаров